# «Асака дон махсулотлари» АЖ

## Ички аудит хизмати

**«АСАКА ДОН МАХСУЛОТЛАРИ» АЖ 2016 1 ЧОРАК ЯКУНИ БУЙИЧА ИЧКИ АУДИТ ТЕКШИРУВИ ХИСОБОТИ**

Асака тумани - 2016й.

Мундарижа бети.


1 Кириш кисми ........ 3
2 Ички назорат ва бухгалтерия хисоби тизими. ........ 3
3 Хусусий капитал 3.1 Низом жамгармаси. ........ 3
3.2 Таксимланмаган фойда ........ 4
4 Ишлаб чикариш муомалалари, сотишдан даромадлар. Ишлаб чикариш таннархи. ........ 4
5 Банкдаги хисоб ракамлар, махсус хисоб ракамлардаги пул маблаглари айланмалари аудити . ........ **Ошибка! Закладка не определена.**
6 Жамиятнинг асосий кўрсаткичларини бизнес режага нисбатан бажарилиши тахлили. ........ 4
7 Хулоса ва таклифлар. ........ 6

**Асака дон махсулотлари**
**Кузатув Кенгашига**

## 1 Кириш кисми

«Асака дон махсулотлари» АЖнинг 2016 I чорак якуни бўйича амалга оширган молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан такдим этилган хужжатлар асосида текшириш ўтказилди.

Текширишга такдим этилган хисоботлар, хужжатлар ва уларга тегишли хисоб-китоблар тўгрилиги ва ишончлилиги бўйича масъулият жамият бошкаруви зиммасида. Биз томонимиздан берилган хулоса учун масъулмиз.

Текширув Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли карорига 2-илова «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўгрисида»ги Низом, 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия хисоби тўгрисида»ги конуни ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия хисобининг миллий стандартларига (БХМС) ва бошка меъёрий хужжатларга асосланиб ўтказилди.

Текширув ўз ичига олган даврда барча бирламчи хужжатларга биринчи имзо кўйиш хукуки билан жамият бошкаруви раиси лавозимида текшириш ўтказилаётган даврга кадар Б.Гапиров; иккинчи имзо кўйиш хукуки билан жамият бош хисобчиси лавозимида текшириш ўтказилаётган даврга кадар М. Фахриддинов ишлаб келишган.

Аудит такдим этилган хисоботлар ва маълумотларни бухгалтерия маълумотларига солиштириш асосида олиб борилди.

## 2 Ички назорат ва бухгалтерия хисоби тизими.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1998 йил 26 июльдаги 707/86-сонли, Адлия Вазирлигида 1998 йил 14 августдаги 474-сон билан рўйхатга олинган, №1-сон «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот» бухгалтерия хисобининг миллий андозасига асосан хисоб юритиш сиёсати ишлаб чикилган ва жорий этилган.

"Асака дон махсулотлари" АЖ (кейинги ўринларда "Жамият" деб юритилади) бухгалтерия хисобини юритилиши «Бухгалтерия хисоби тўгрисида»ги Конун доирасида хамда бухгалтерия хисоби миллий андозаларига ва БХМА №21-счётлар режаси асосида ишлаб чикилган –«Ишчи счётлар режаси»га амал килган холда, иш хаки хисоблаш ва уни хисобини юритиш «1С-Бухгалтерия» компьютер дастурий таъминотида, бухгалтерия хисоби DOS операциион тизимидаги дастурда электрон ва махсус шаклларда юритилган.

## 3 Хусусий капитал 3.1 Низом жамгармаси

Жамиятнинг Низом жамгармаси 2016 йилнинг бошига 757 015,2 минг сум булиб, номинал киймати 2700 сумдан жами 280 376 дона оддий акциядан ташкил топган. Жамиятнинг Низом жамгармаси куйидагича таксимланган:

| Асака дон махсулотлари ОАЖ акциялар ва улушлар тугрисида | Кайта тасдиклангандан сунг | | |
|---|---|---|---|
| Асосий акциядорлар | Акциялари сони дона | Суммаси, сум | Улуши, фоизда |
| Уздонмахсулот ДАК | 184642 | 269 033 400 | 65,66 |
| бошкалар | 95 734 | 258 481 800 | 34,14 |
| Хаммаси | 280 376 | 757 015 200 | 100 |

1 чорак давомида Низом жамгармаси буйича узгариш амалга оширилмаган.

## 3.2 Таксимланмаган фойда

Хисоб маълумотларига кўра жамиятнинг ўтган йиллар бўйича таксимланмаган зарари(фойдаси) 2016 йил бошига 6 868 223 минг сум булиб 2016 йилнинг 1 чорагида молиявий хисоботларга кўра олинган соф фойдаси 188167 минг сўмни ташкил килган. Текширилаётган давр давомида 2015 йил якуни бўйича таксимланмаган фойда 226 683 минг сумни куйидагича таксимлашга: 81 403 минг сум акциядорларга дивиденд ажратилган, 145 280 минг сумм жамиятни резерв жамгармасига йуналтиришга карор кабул килинган. Бухгалтерия балансида 01.01.2016 йил холатига таксимланмаган зарар(фойда) баланснинг 450 сатрида -6 868 223 минг сўмни ташкил этган холда 01.04.2016 йил холатига колдик - 6 906 739 минг сўмни ташкил килган. Молиявий натижалар тўгрисидаги хисоботнинг 270 сатри маълумотига мос келади.

# 4 Ишлаб чикариш муомалалари, сотишдан даромадлар. Ишлаб чикариш таннархи.

Ишлаб чикариш бухгалтерияси марказлашган бухгалтерияда ишлаб чикариш турлари бўйича, дон тайёрлаш пунктлари кесимида, уруглик ва товардон учун алохида харажатлар хисоби ташкил этилган ва у амалдаги конунчилик талабларига мос келади. Асосий ишлаб чикаришда ун махсулоти ишлаб чикариш харажатлари ва омихта ем ишлаб чикариш харажатлари хисоби махсулот ажралиш нуктасидан алохида бухгалтерия хисоби юритилган.

# 5Жамиятнинг асосий кўрсаткичларини молия хужалик фаолиятини тахлили.

Жамиятнинг асосий кўрсаткичларини утган йил шу даврига таккослаш оркали молия хужалик фаолиятини тахлилини утказганимизда куйидагилар аникланди.

Жамиятнинг асосий фаолияти давлатга топшириладиган донларни етиштирувчилардан кабул килишни ташкил этиш, дон захираларини саклашни ташкил этиш ва монопол махсулот ишлаб чикариш билан ифодаланади. Жамият хужалик фаолияти даромадлилиги асосий фаолият буйича давлат томонидан тартибга солинадиган нархлар оркали сотиладиган махсулотлар ишлаб чикариб сотиш булганлилиги сабабли рентабеллик даражаси ва асосий иктисодий курсаткичлар тахлили натижасига кура рахбарият фаолиятига бахо бериб булмайди.

Жамиятда Кузатув Кенгаши томонидан маъкулланган Бизнес режа асосида иш ташкил этилган.

| М Н сатри | Курсаткичлар | Утган йилнинг шу даврида | Хакикатда | утган йилнинг шу даврига нисбатан %да |
|---|---|---|---|---|
| 10 | Махсулот ишлаб чикариб сотишдан соф тушум | 12 140 976 | 14 303 898 | 117,8 |
| 20 | Ишлаб чикариш таннархи | 10 735 113 | 12 169 494 | 113,4 |
| 30 | Махсулот ишлаб чикариш ва сотишнинг ялпи фойдаси | 1 405 863 | 2 134 404 | 151,8 |
| | | 13,1 | 13,1 | 100,0 |
| 40 | Давр харажатлари | 1 161 044 | 1 678 796 | 144,6 |
| 50 | Сотиш харажатлари | 128 515 | 128 566 | 100,0 |
| 60 | Бошкариш харажатлари | 94 584 | 115 511 | 122,1 |
| 70 | Бошка давр харажатлари | 937 945 | 1 434 719 | 153,0 |
| 90 | Асосий фаолият бошка даромадалари | 42 428 | 186 412 | 439,4 |
| 100 | Асосий фаолият фойдаси | 287 247 | 642 020 | 223,5 |
| 110 | Молиявий фаолият буйича даромадлар | 14 018 | 618 | 4,4 |
| 170 | Молиявий фаолият буйича харажатлар | 234 163 | 395 267 | 168,8 |
| 240 | Солик тулагунга кадар фойда | 67 102 | 247 371 | 368,6 |
| 250 | Даромад солиги | 17415 | 43842 | 251,7 |
| 260 | Инфра тузилма солиги | 3975 | 15362 | 386,5 |
| 270 | Хисобот даври соф фойдаси | 45 712 | 188 167 | 411,6 |

2016 йилнинг 1 чорагида асосий фаолиятдан олинган ялпи фойда утган йилга нисбатан52 %га куп, булиб 2 134 404 минг сумни ташкил этган. Давр харажатлари утган йилга нисбатан 44%га ортган. Асосий фаолият бошка даромадлари 186,4 минг сумнии ташкил этиб утган йилга нисбатан 439,4%ни ташкил этган. Солик тулагунга кадар фойда 369% га ортиб 247 371 минг сумни ташкил этган.

Хисобот даврининг соф фойдаси утган йилдаги 45 712 минг сумм урнига 188 167 минг сумни ташкил этган. Базисга нисбатан 412 %га уддаланган.

## 6 Хулоса ва таклифлар.

1. Бизнес режада белгиланган даромадларни олинишини, соф фойда олинишини таъминланган.Ишлаб чикариш харажатлари рентабеллиги таъминланган.
2. Бизнес режа курсаткичларини огишмай амалга ошириш.

Ички аудит хизмати бошлиги: С.Каримов